

Ўзбекистон болалари ва ёшларининг газетаси

## Иккинчи чорак олдидан

Таътилнинг зерзавқ кунлари охирлаб қолди. Эртага республикамизнинг ўрта мактаблари ўқувчилари иккинчи чоракни бошлаб юборишади. Биринчи ярим йилликни якунловчи бу чоракда ўқувчилар фанларнинг янги-янги мавзуларини ўзлаштиришга киришадилар. Янги ташкил этилган лицейлар, мактабларда машғулотлар қизий

бошлайди. Улар эса талайгина. Биринчи чорак якунида биз ана шундай янги ташкил этилган илм даргоҳларининг баъзиларидаги янгиликларни ёзиб олган эдик. Бу мактабларнинг ўқувчилари иккинчи чоракни ҳам аълога якунлашга ҳаракат қилишаётгани ҳақида хабар беришган.




- Бу янги ўқув йилида Кўқон шаҳрида Ўзбекистон-Туркия ўғил болалар иқтисод лицейи ташкил этилган эди. Тест синовлари асосида қабул қилинган 125 нафар ўқувчи биринчи чорак давомида асосан инглиз, турк тилларини мукаммал ўрганишга ҳаракат қилишди. Бўлгуси иқтисодчилар иккинчи чоракни ҳам кўнгилдагидек кутиб олишга "енг шимаришган".

- Андижон шаҳрида ҳам Туркия лицейи ташкил этилган. Аммо бу илм даргоҳи бошқалардан ўзгача. У ҳунар лицейидир. 19-ҳунар-техника билим юрти қошида ташкил этилган бу лицей

талабалари ўрта мактабларнинг тўққизинчи синфларини битириб келишган. Лицейда ўқиш тўрт йил давом этади. Битирувчилар республикамиз энгил саноат корхоналарида ишлашади. Аъло баҳога тамомлаган талабалар эса Туркия олий ўқув юртларида ўқишни давом эттириш имтиёзига эгадирлар.

- Тошкент шаҳридаги 306-мактаб қошида ҳам ушбу ўқув йилида иқтисодий йўналишдаги синфлар ташкил қилинган эди. Бундай синфлардаги таълимнинг асосий мақсади ва вазифаси ҳозирги замон иқтисодиёт фанининг тушунча ва қонуниятларини ўқувчиларга сингдириш, уларда иқтисодий тафаккур ва маданиятни шакллантириш, илмий-асосланган ҳулосалар чиқаришга кўникмалар ҳосил қилишга ўргатишдир. Бу билим даргоҳи ўқувчилари келажакда республикамиз иқтисодининг "юлдуз"лари бўлишларига шубҳа йўқ.

- Биринчи чоракда Сирдаредан хушхабар келди. Янги ўқув йилида бу вилоятнинг ўрта мактаблари дастурларидан экология дарси ҳам ўрин олган. Дастурда Ўзбекистон табиати, уни асраш, инсон ва табиат ўртасидаги муносабат, вилоятдаги экологик аҳвол кенг ўрин олган. Биринчи чорак давомида ўқувчилар бу фанни қизиқиш билан ўзлаштириб бордилар.



— Қадим замонда шу тоғлар орасида Мардон деган бир сахий, камбағалпарвар бой бўлган экан. У кўшни қишлоқлик бир сулув қизни севиб қолиб, унга анча қийинчиликлар билан етишган экан. Шу-шу бу қишлоқни "Ёрдон" деб аташаркан...


— сенга кўрсатиб кўяман ким кўрқок эканини,— деди у. Уриша кетдик, шунда иккита оқ танли одам-пастта қараб ўтиб кетди. Биз уларнинг орқасидан югура бошладик. Ўльзбург станцияси енидаги бино аллақачон одам билан тўлганди...

**"ТУЛПОРИМНИ  
 МАШИНАГА  
 АЛМАШМАЙМАН"**

**2-БЕТ**

Асаб системаси жароҳатланган гўдақлар асосан кичкина, нимжон, кам ҳаракат бўлиб тугилади. Усишда тенгдошларидан орқада қолади: ҳеч нарсага интирмайди, оёғини босмайди, қўлида бирор нарса ушлолмайди.

**3-БЕТ**



**"ЖАЗО"  
 4-БЕТ**



## ДИЛГА ЯҚИН УЧРАШУВ

Кўчадан югуриб кирган Даврон бобосига:

— Бобожон, бугун мактабимизда актёрлар билан учрашув бўлар экан. Сиз ҳам мен билан боринг,— деди.

— Қайси актёрлар келишаркан?— дея сўради бобо.

— Ёш томошабинлар театрининг актёрлари, таникли артистлар Обид Толипов, Муҳаббат Йўлдошева...

— Ҳа,— деди бобо нимадир едига тушиб,— биласанми, бундан 40 йиллар олдин ҳам Обид Толиповни мактабга таклиф қилишган эди. Ушанда ҳам зўр учрашув бўлувди, буни кўп вақт хотирлаб юргандик.

Дарҳақиқат, Собир Рахимов туманига қарашли III-мактабда Хожияқбар ака Курбонов мана 50 йилдирки директорлик қилади. Шу йиллар давомида неча минглаб ўқувчиларни тарбиялади, уларнинг маънавиятини бойитиш учун қизикarli учрашувлар, адабий кечалар уюштирди...

Яқинда шаҳримиз Ёш томошабинлар театрининг артистлари Рустамжон Расулдов, Муассар Шоидиева, Матлубахон Тожиматова, Саломат Йўлдошева, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артист Едгора Зиямухамедова, Ўзбекистон халқ артистлари Обид Толипов ва Муҳаббат Йўлдошевлар ушбу мактабга ташриф буюришди. Уларнинг келишига мактаб ўқувчилари ҳам қизғин тайергарлик кўришган экан. Мактабда ташкил қилинган "Ёш қаламкашлар" тўғарагининг аъзолари Раҳмонова Ирода, Хикматова Дилдора, Назируллаева Умида, Расуллова Шоҳиста, Саидхонова Мунира, Икромова Муножот, Эшпулатова Лобарларнинг ижро этган кувнок кўшиқ, уйинлари театрлаштирилган сахна асарлари меҳмонларни ҳам, ўқувчи ва ўқитувчиларнинг дилларини ҳам шод этди.

Меҳмонлар ўқувчиларга "Зумрад ва Қиммат" ҳамда "Олтин жўжа" спектаклларидан парчалар ижро этиб беришди.

Бу каби учрашувлар бошқа мактабларда ҳам ташкил этилса, болалар тарбиясида, айниса, мактаб билан театр орасидаги алоқани мустаҳкамлашда катта аҳамият касб этади.

**М. АҲМЕДОВА.**



**Эзгуликнинг толеи қулган**





## Кичик одам билан катта суҳбат

Хуршид Ёрдон қишлоғида яшайди. Унинг отаси овчи. Ўзи ҳам олти ёшидан отаси билан қирлар оша ов қилади. У билан шу ҳақда суҳбатлашдик.

— **Хуршид, жуда ёшлигингдан отанг билан овга чиқишинг ростми?**

— Ҳа. Мактабдан келганимда дадам орқасига кўтариб, тоққа олиб чиқарди. Талайгина қушлар, қуён, тулқилар отардик. Мен эса ўлжаларни таширдим, дадамга овқат олиб борардим. Дадамнинг айтишича, менинг бобом

бири 55-70 килограмм гўшт қилади. Сотсак, бир ой бемалол қийналмай яшашимиз мумкин.

— **Узоқ муддатга тоққа чиқиб кетган пайтларингизда ов қилишдан ташқари яна нима қиласан?**

— Кўпинча ов пайтлари тоғда кечқурунлари каттакон гулханлар ёқилади. Барча овчилар гулхан атрофида тўпланиб, ўзлари билган қизиқарли ривоят ва афсоналарни сўзлаб беришади. Мен эса уларни жон-дилим билан тинглайман. Шулардан бирини сизга айтиб



ҳам зўр овчи бўлган экан. "Дугаба" тоғида ҳозир бобом шарафига қўйилган "Бел" деб аталувчи гор ҳам бор. Бобом туғма гунг ва соқов бўлишларига қарамай, халқ орасида Шароф мерган номи билан машҳур бўлган экан.

— **Овга чиққанингизда кўпроқ нималардан завқланасан?**

— Баланд тоғлардан оқиб тушаётган сувларни томоша қилишни, хушбўй ялпиз ҳиди анқиб турган ариқ бўйларига ўтириб ҳар хил қушлар сайрашини эшитишни жуда яхши кўраман. Кийикнинг инини топиб, кийик боласи билан ўйнаш яна ҳам маза...

— **Бў ерларни ҳайвонот дунёсига, доривор гиёҳларга бой деб эшитганман.**

— Бу тоғ бағирларида бўри, тулки, қор қоплони, тўнғиз, елвиз каби ёввойи ҳайвонлар, булбул, саъва, бургут, почин, Амирқонинг тага қушлари, кийик ўти, бўзланч, олтин томир, зирк, хиёл каби юз минг дардга даво гиёҳлар кўплаб топилади. Бундай гиёҳлар асосан тоғнинг энг юқори "қиз кўрғон", "оқ сув", "ойдин кўл" деб номиланган чўққиларида ўсади.

— **Хуршид, сен ов қилишнинг завқи, гашти ҳақида гапирдинг. Лекин унинг ўзинга яраша қийинчиликлари ҳам бўлса керак-а?**

— Биз атрофимизни ўраб турган "Дугаба", "Оқ тош", "Хуржин" тоғларидан ов қиламиз. Бу тоғлар бизни боқади, ҳеч қачон оч қолмаймиз. Лекин тоғу тошларда бир овга кетганда ҳафталаб 35-40 қақирим пиёда юриб, вақти келганда оч ҳам қолиб кетишимиз мумкин. Ўзимиз ясаб олган қўлбола қуроллар билан бўри ва бошқа йиртқич ҳайвонларни овлаш осон кечмайди.

— **Қандай ҳолларда қилган овингиздан кўнглингиз тўлиб қайтади?**

— Бир овда иккита кийик отсак. Уларнинг ҳар

берайми?

— ...

— Қадим замонда шу тоғлар орасида Мардон деган бир сахий, камбағалпарвар бой бўлган экан. У қўшни қишлоқлик бир сулув қизни севиб қолиб, унга анча кийинчиликлар билан етишган экан. Шу-шу бу қишлоқни "Ёрдон" деб аташаркан...

— **Хуршид, қишлоқингизда машиналардан кўра от-улов кўп кўринади?**

— Ҳа, кўп. Чунки тоққа чиқиш учун машинадан кўра от-уловлар қулайроқ-да. Йўллар тор, қинғир-қийшиқ, чуқурлик. Менинг ҳам бир саман тулпорим бор, уни ҳатто машинага ҳам алмашмайман.

— **Уйингизда яна нималар боқасан?**

— Бир жуфт каклигим, анчагина товўгим бор. 15 та эчки, 4 бош соғин сигир, қўй ҳам боқамиз.

— **Нечанчи синфда ўқийсан?**

— Охунбобоев номидаги 2-мактабнинг 6-синфида ўқийман.

— **Аълочимисан ё...**

— Униси ҳа, буниси ҳам эмас — ўртача.

— **Қайси фанни яхши кўрасан?**

— Адабиётни.

— **Нимага?**

— Бизда телевизор ҳам, радио ҳам йўқ. Адабиётдан эса қизиқарли шеър ва ҳикояларни ўқиб зерикмайман.

— **Таниқли турк шоири Нозим Ҳикмат "Дунёни бир кунга болаларга берайлик!" деган экан. Агар дунёни бошқаришни бир кунга сенга топширишса, нима қилган бўлардинг?**

— Ҳамма-ҳаммага яхшилик қилар эдим.

— **Раҳмат, Хуршиддон! Сенга ҳам дунёдаги жамийки яхши ниятларни тилаймиз.**

Суҳбатдош Ботир ОМОН.



## ДЎСТЛИК САФАРИ

Тошкент вилояти, Қибрай туманидаги 16-мактабда ташкил этилган "Ёш ўлкашунослар" тўғараги бир неча йиллардан буён қизиқарли ишларни амалга ошириб келмоқда. Яқинда тўғарак аъзолари ўзбек халқининг жасоратли фарзанди, Улуғ Ватан уруши йилларида катта қахрамонлик кўрсатган Тўйчи Эрайитов ҳаётини яна бир бор ўрганиб чиқдилар.

Тўйчи Эрайитов Фаргона вилоятининг Бешариқ тумани, Ўттизамбар қишлоғида тугилган. Отасининг вафотидан кейин эса Тожикистон Республикасининг Ашт туманидаги Булоқ қишлоғига кўчиб кетади. Шу сабаб ҳам у икки миллат — ҳам ўзбек, ҳам тожик халқининг қахрамонидир.

Қибрайлик ёш ўлкашунослар 4 октябр куни Ўттизамбар қишлоғидаги 39-мактабда бўлишди. Улар икки қисмдан иборат ўз дастурларини шу мактаб ўқувчиларига намойиш этишди. Дастурнинг биринчи қисми Ватанимиз мустақиллиги, гўзаллиги ҳақидаги шеър ва кўшиқлардан иборат бўлса, иккинчи қисмида эса тўғарак аъзолари 10-"А" синф раҳбари Хайрулла Иноғомовнинг Тўйчи Эрайитов жасоратига бағишланган "Ватан ўғлони" сахна асарини намойиш этишди. Учрашув сўнгида бешариқликлар қахрамоннинг жасорати, кабрининг топилиши ҳақида сўзлаб бердилар.

Худди шундай учрашув Булоқ қишлоғи, Тўйчи Эрайитов номидаги 37-мактабда ҳам бўлиб ўтди. Учрашувда қахрамоннинг синглиси Аширбиби Эрайитова ва жияни Тожиқиз Фармонқова ҳам иштирок этди. Сахна асари барча тожик дўстлар қалбида ҳаяжон уйғотди. Ёш ўлкашунослик тўғараги аъзолари учрашувни "Биродар Тожикистон!" кўшигини ҳам ўзбек, ҳам тожик тилида куйлаб ақунладилар.

Учрашувлардан кўзланган мақсад — дўстлик ришталарини янада мустаҳкамлаш, аждодларимиз жасоратини хотирлаш эди. Учрашувлардан болалар бир олам таассуротлар билан қайтишди.

**Х. ИНОҒОМОВ,**  
халқ маорифи аълочиси.

## Жуда қизиқ, жуда чиройли

— ЧВИЛҚУАНЛ... Ия, бу қандай сўз бўлди? Ҳеч тушунмаяпман-ку?

— Э, оғайни, шунинг ҳам билмайсанми? Бу ўйин-ку? Агар ким бу харфлар иштирокида кўп сўз туза олса, ўша ютган ҳисобланади.

— Ҳа, энди тушундим. Жуда қизиқ экан. Болалар, сиз сеvimли журналимиз "Гунча"ни ўқиб борсангиз, бунақа қизиқ нарсаларни кўплаб учратасиз. Гунчаойнинг ажойиботлар қутисиди кўз кўриб,

қулоқ эшитмаган антиқа гаплар кўп. Ўзбекистонимиз мустақил бўлди. Сиз унинг дунёга машҳур бобоқолонлари, Туроннинг буюк фарзандларини библиб олмоғингиз керак.

"Олтин мерос — олмос мерос" саҳифасида эса халқимизнинг урф-одатлари, миллий қадриятлари, анъаналари, ҳаракатли халқ ўйинлари, кўшиқлари, рамазон айтимлари билан танишиб борасиз. Шоир ва "ёзувчиларимизнинг сизга аталган янги асарлари ҳам журнал саҳифаларидан кенг ўрин олади.

Сизнинг ўқишдан бўш пайтларингиз кўп бўлади. Вақтни бекор совурмаслигингиз учун журнал сизга турли топшириқлар бериб боради. Уқувингизни синаб кўрамиз, қани кўларингиз нималар ясашга қодир экан?

Янги йилда ҳам сизга турли фойдали маслаҳат ва топшириқлар бериб борамиз.

Сиз расм чизишни яхши кўрасиз-а? Таҳририятимизга келаятган даста-даста суратлар буни яққол кўрсатиб турибди. "Ишла, қаламим, бўя, бўёгим" ҳаваскор расмлар ижодига бағишланади.

"Гунча" боғча болаларининг ҳам сеvimли журнали ҳисобланади. Улар ҳали харфларни танишмайди. Лекин журнални варақлаб, расм-ҳикояларини маза қилиб томоша қилишади. Гунчада жуда қизиқ, жуда чиройли расм-ҳикоялар кўплаб еритиб борилади.

Хуллас, янги йилда "Гунча" журнали мустақил Ўзбекистонимизнинг эртанги куни бўлган сиз болажонларнинг қувнок ҳаётингизни, қувонч ва ташвишларингизни ўз саҳифаларида акс эттириб боради.

"Гунча" журналимизнинг индекси 75231

Обуна баҳоси 1380 сўм.  
Гунчаой.





### Аллоҳ яхши кишиларни бошқаларга фойдаси тегадиган қилиб қўяди.

— XX асрни "асабга хужум асри" десак, муболага бўлмайди. Меҳр тўқилган нигоҳлардан "Асабни асранг" нидосини ўқийсизу икки қадам нарига ўтмай, таранг тортилган, жўжахўроздай бир-бирига хезланаётган асабларга дуч келасиз.

— Гулчеҳра опа, катталарнинг холини озроқ тушунса бўлади. Бу қуриб кетгур асаб касаллиги болаларда неча учрайди. Ахир дунёга бегубор бир хавас билан келаётган бу гўдаклар ҳали биров билан ноўрин тортишишни билишмайди, мол-дунё, тирикчилик ташвишларидан ҳам

бўлиб қолаётганлар, шунга яқин ногирон тугилаётганлар қанчадан-қанча...

Асаб системаси жароҳатланган гўдаклар асосан кичкина, нимжон, кам ҳаракат бўлиб тугилади. Ўсишда тенгдошларидан орқада қолади: ҳеч нарсага интирмайди, оёғини босмайди, қўлида биров нарса ушолмайди.

Асаби жароҳатланган болаларни ўз авқтида невропатолог шифокорга кўрсатишса, шунча тез, асоратсиз даво топиб, соғайиб кетишади. Аммо бола беш-олти ешга етиб бош аъзолари вақтида ривожланмай қотиб қолгач, бизнинг муолажаларимиз жуда кам фойда беради. Ва бундай болаларнинг тўла тuzалиб кетишига энг устамон шифокор

яшайдиганларнинг тиббий кўриги бундан-да ёмон деса бўлади. Вилоятларимизнинг чекка жойларида невропатолог у ёқда турсин, болалар умум касалликлари шифокорлари ҳам етишмайди. Натижада вақт бой берилиб, қанчадан-қанча қора кўзларнинг уволига қолиб ётиб-миз.

— Муस्ताқил юртимиз ўзини тиклаб олса, бу иқтисодий қийинчилик кунлари ортада қолар, вилоят ва туманларда сиз орзу қилган қулайликлар яратилса ажаб эмас. Мен эса фурсатдан фойдаланиб яхши натижалар келтираётган даволаш услубингиз ҳақида сўрамоқчи эдим. Чунки биргина республикамиздангина эмас, қатор қўшни мамлакатлардан ҳам беморлар Сизга нажот истаб

### "Ҳадис"дан

оқибатларга олиб келиши мумкин. Чунки ўша нина санчилган жойларнинг шундоқ ёнгинасида бошқа аъзолар жойлашган бўлиб, муолажа улар ўрнашган қисмга асло ўтмаслиги керак. Шу боис ҳам бу жойларга нина санчишни тиббиёт ҳамшираси тугул, олий маълумотли тўрт-беш йил ишлаган шифокорга ҳам ишонмай, ўзим бажараман. Ишонмасангиз ҳар кун соат ўн бирда "манипуация" хонасига кириб, барчасига ўзингиз гувоҳ бўласиз.

— Шогирд ва ҳамкасбларингиз "блокада" деб ном қўйиб олган услуб шуми?  
— Ҳа, худди ўзи.  
— Кишлоқ боласи



ихтиёри. Менимча, уларнинг руҳий таъсир, даволаш соатлари катта ёшдагиларга яхши томонга нимадир ўзгариш ясаши мумкин. Лекин болаларда, жажжи гўдакларда биров-бир фойдаси тегишига ақл бовар қилмайди. Аввало, болалар уларни англамайди. Натижада ҳамма "мўъжизавий" жонкуярликлари беҳуда кетади.

— Сизни фақат касбингизнинг масъулиятли томонлари ҳақида сўзлатиб, чарчатиб қўйдим, чоғи. "Тонг юлдузи"нинг муштариёлари, яъни мактаб ўқувчилари эса профессор унвонига эришган ўзбек қизининг мактаб даври, ешлик йиллари билан кизиқишлари шубҳасиз. Ўрнак олишга яхшида.

— Болажон оилада вояга етганман. Саккиз нафар фарзанд эдик. Онам бизнинг камолимизни ўйлаб умрлари ўтди, отам эса элик йил мактабда ўқувчилик қилдилар. Улар биз — болалар униб-улгайиб билимимизни ошириш йўлида нимани истасак, "жонларини жабборга бериб" шунга эришимизга шароит яратишга интилдилар. Шу боис менинг болалигим бир дунё орзу-ҳаваслар билан кечди. Ўқишда нимага интилсам шунга эришдим. Мактабни олтин нишон билан тугалладим. Болаликда олинган билим тошга ўйилган нақшдай бир умр ёрдамимизга ҳозир тураркан. Ҳеч ёддан кўтарилмас экан. Тиббиёт олийгоҳида ҳам мактабда олинган билимлар асқотади. Талабаликда янада тиришқоқлик билан ўқидим. Олийгоҳни имтиёзли диплом билан тугалладим. Келажакимга умид билдиришиб, олийгоҳда олиб қолишди. Мен ҳам жон-жаҳонимни бағишлаб ишончини оқлашга, севган касбни фонино ҳалоллашга уриндим. Қарабсизки, асаб марфалогияси бўйича 27 ешимда номзодлик, 45 ешга етмай докторлик илмий ишнини ҳимоя қилдим. Эзгуликка барибир йўл очилар, интилганга толе ёр бўлар экан!

Сўхбатдош В. ФАЙЗУЛЛАЕВ.



## Эзгуликнинг толеи қулган

Тошкент педиатрия олийгоҳи асаб касалликлари кафедраси мудири, тиббиёт фанлари доктори, профессор Гулчеҳра опа СОДИҚОВА билан мусоҳаба.

йирок, озод қушлар-ку?..

— Эҳтимол юзакирок қараганда шундай кўринар. Аслида болалар соғлигидаги барча ўзгаришлар, тугул ва нотугалликлар катталар соғлигидан келиб чиқади. Буюк мусаввир Рембрантнинг ҳомилдор аёлга боқиб, онанинг қорнидаги гўдак суратини чизганини эшитганмисиз. Биз ҳам кўпроқ асаб хасталигига чалинган болаларни даволашда, аввало унинг она қорнидаги ҳаёт давомида бўлган бузилишларни аниқлашга уринамиз ва муолажани ҳам шундан бошлаймиз. Чунки хасталик бола тугилишидан олдин ота-онанинг нотўғри ҳаёт тарзи ёхуд турли хил кўнгилсизлардан юз берган бўлиши мумкин. Бунинг устига атроф-муҳитнинг ниҳоятда булғаниб, ҳаво, сув ва тупроқнинг чидовсиз даражада захарланганлигидан асаби дарз кетиб қўлсиз, оёқсиз, тилсиз

ҳам кафолат беролмайди.

— Бироқ бир нарсанинг ҳолати мени кўп ўйлантирапти. Бўлимизга етқизилган болаларнинг анчагинаси даволаниши орқага сурилганлар сирасига киради, афсуски. Бунда барча айбни ота-оналар елкасига юкласак тўғри бўлмайди. Мен уларнинг айримлари билан суҳбатлашдим. Бу ерга келишгунча ҳам кишлоқ, туман шифокорларига болаларни кўрсатишган, аммо тўғри ташхис, шифога келганда... Шундай бўлмасликнинг иложини қилса бўладими?

— Мулоҳазаларингиз ўринли. Бу асоратли манзаранинг олдини олиш учун менимча тугриқхонадаёқ чақалоклар тажрибали невропатолог кўригидан ўтишлари керак. Афсуски, шу пайтгача бизда ҳеч бир тугриқхонада асаб шифокори фаолият кўрсатаётганини кўрмадим. Кишлоқда

мурожаат қилишар экан.

— Беморлар менинг раҳбарлигим остида янги услубият асосида даволанадилар. Бу услубни биз Ўрта Осиё худудида биринчи бўлиб қўлламоқдамиз. Бизда лўнда қилиб тушунтирганда, асабнинг жароҳатланган нуқтаси топилади-да, жароҳатнинг энг яқинига дори-дармон юборилади. Негаки, бу тарздаги муолажада дорилар оғриққа тезроқ ва кучлироқ таъсир қилади. Шубҳасиз, у қулай ва ўнғай бўлиб, бўлар-бўлмас нина санчишдан кўра самаралилиги билан ҳам муҳим. Масалан, юз нервида юзнинг ўзига, бошда бўлса, калла қопқоғининг ичидаги бўшлиққа, умуртқа поғонасида унинг ичидаги нозик жойга укол қилинади. Аммо бу усул шифокордан ўта эҳтиёткорликни талаб қилади. Салгина хатога йўл қўйилса, барча саъй-ҳаракатлар чиппаққа чиқиб, ёмон

бўлганимдан қайвони, қўли енгил момо ва боболардан. Сизнинг илмий даволашларингиздан тубдан фарқ қилидиган йўл-йўриқларни кўп эшитганман. Мавзуимизга дахлдор бўлган бирини айтиб, фикрингизни билмоқчиман.

— "Судиргичный синдром" — шайтонлаш касаллигининг асаб хасталигига дахлдорлиги, унга хос аломатларни сиз мендан юз чандон яхши биласиз. Бу хасталикда бола чўчиб-қимирлаб туради-да, кучли хуружда тамоман ўзидан кетиб қолади. Тез тиббий ёрдам берилмаса, боладан ажралиб қолиш ҳам ҳеч нарса эмас. Кишлоғимиздаги бир табиб кампир эса ҳеч бир дорисиз нина санчмай касалнинг томирини пиез билан эзарди-да, тузатиб қўярди, раҳматлик.

— Очиги маълум бир билимга эга бўлмаган табибларнинг бунга ўхшаш даволаш услублари самарасига ишонолмайман...

— Дарвоқе, бундан ташқари кейинги пайтларда нигоҳий табиб — экстросенслар ҳаммадан кўпроқ асабни жойига келтиришга талабгор бўлиб чиқишяпти. Уларнинг жонкуярликларига ишонса бўладими?

— Ишониб ҳар кимнинг

Саодат ИСКАНДАРОВА, Хоразм вилояти, Қўшқўпир туманидаги 35-мактаб ўқувчиси.

Дилафрўз СОБИРОВА, Фарғона вилояти, Ўзбекистон туманидаги 1-мактаб ўқувчиси.

Аввал хабар қилганимиздек, ҳар тўрттала турда голиб чиққан ўқувчилар "Светафор-92" ўйин-викторинасининг мутлақ голиблари деб топилди.

**ТАНИШИНГ, ГОЛИБЛАР!**

Зулхумор ЁҚУБОВА, Наманган вилояти, Косонсой туманидаги 26-мактаб ўқувчиси.

Мадина ИСАЕВА, Тошкент шаҳридаги

Қадри ўқувчилар! Ёдингизда бўлса, йил давомида газетамиз саҳифаларида "Тонг юлдузи" таҳририяти, Ўзбекистон халқ таълими, Ички ишлар вазирлиги, Ўзбекистон Автомобиль транспорти Давлат Акционерлик корпорацияси ва Ўзбекистон Қизил Ярим Ой жамияти билан ҳамкорликда ўтказилган "Светафор-92" ўйин-викторинасини ёритиб бордик. Республикаимиз мактабларида йўл ҳаракати қондаларини ўрганиш ва уни янада яхшилаш мақсадида ташкил этилган ушбу ўйин-викторина йил давомида тўрт босқичда ўтказилди. Унда республикаимиз мактабларида таълим олаётган 1500 нафар болалар иштирок этишди. Уларнинг аксарияти Наманган, Самарқанд, Андижон, Хоразм, Фарғона ва Тошкент вилоятларидандир. Бугун ушбу ўйин-викторинанинг охириги тури жавобларини эълон қилиш билан биргаликда ҳар тўрттала турда фаол иштирок этиб, "Светафор-92" нинг голиби бўлган ўқувчилар билан сизларни таништираемиз.

дарҳол кўзга олиб кетмайди, бу эса суякнинг битишини тезлаштиради. Шундан сўнг зудлик билан шифокорга хабар қилиш, "Тез ёрдам" машинасини чақиртириш керак.

5. Расмда кўрсатилган белгилардан 4-белги велосипед ҳайдовчисига чапга буртилишини таъқиқлайди.

6. Агар чорраҳада ҳаракат "Светафор" ёки ДАН ходими томонидан бошқариладиган бўлса, велосипед ҳайдовчи уларнинг сигналларига амал қилиши керак. Агар чорраҳа тартибга солинмайдиган бўлса, велосипедчи тўхтаб чорраҳага кириб келаётган автомобилни

## "СВЕТАФОР-92" ЎЙИН-ВИКТОРИНАСИ ЯҚУНДАНДИ

### IV ТУР ЖАВОБЛАРИ

1. Йўлларда ҳаракатланиш қондасини бузган пиеда ёки велосипедчи 130 сўмдан 1300 сўмгача, агар йўлларда ҳаракатланиш қондасини бузиш натижасида хавфли вазият содир этилган бўлса (авария) 1300 сўмдан 6000 сўмгача жарима солинади.

2. Йўл ҳаракати ёш назоратчилари гуруҳи ёзги таътил даврида болалар оромгоҳларида тузилади ва уларнинг вазифалари болалар ўртасида йўл ҳаракати қондаларини тарғибот қилиш, улар асосида мусобақалар ўтказиш ва айниқса, болаларни саёҳатларга олиб

боришда уларнинг йўл ҳаракати қондаларига риоя қилишларини назорат қилиб боришдан иборат.

3. Аҳоли яшамайдиган жойларда йўлка бўлмаганда катта йўлга тушмай, транспортга дуч келиб қолишдан сақланиш учун йўлнинг чап чеккасидан транспорт ҳаракатига қарама-қарши томонга ҳаракатланиш керак.

4. Болдир суяги синганда оёқнинг уччала томонидан (икки ён томонидан ва орқасидан) тахта қўйиб боғлаш лозим. Чиққ ва синиқни дарҳол тахтакачлаш лозимлигининг бонси шундаки, синган суяк

ўтказиб юбориши, сўнгра ўз йўлида давом этиши керак.

Энди эса IV тур голиблари билан танишинг.

Зулхумор ЁҚУБОВА, Наманган вилояти, Косонсой туманидаги 26-мактаб ўқувчиси.

Мадина ИСАЕВА, Тошкент шаҳридаги 9-мактаб ўқувчиси.

Каромат АЗИМОВА, Самарқанд вилояти, Оқтош туманидаги 27-мактаб ўқувчиси.

Зебо ҚУРБОНОВА, Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги 5-мактаб ўқувчиси.


9-мактаб ўқувчиси.

Зебо ҚУРБОНОВА, Андижон вилояти, Олтинкўл туманидаги 5-мактаб ўқувчиси.

Каромат АЗИМОВА, Самарқанд вилояти, Оқтош туманидаги 5-мактаб ўқувчиси.

Голибларни қутлаймиз. Улар юқорида айтиб ўтилган вазирлик ва ташкилотларнинг мукофотлари ва фахрий ёрликлар билан тақдирланадилар.

"Светафор-92" ўйин-викторинасининг материалларини Ўзбекистон Халқ таълими вазирлиги Республика ўқув-методика марказининг етакчи методисти Ф. СОДИҚОВ тайёрлаган.





## Жаҳон болалар адабиётидан

Чоршанба камбағалларга худойи бериладиган кун бўлиб, одатда "краклинг" таоми фақирларга тарқатилади. Худойи таом илинжида кишилар Эльзбург станциясига йўл оладилар. Уша кунни эрта уйғондим. Қуёш чошгоҳга яқинлашиб қолганига қарамай, кун совуқ эди.

— Лиза холам эса ҳовлида кир ювиш билан банд. "Турдингми?" деб сўради у. Олдига бордим. У кир ювишдан тўхтаб, чўнтагини қовлади ва олтига танга олиб, менга узатди.

— Мана бу пулга ошхонадаги қутидан озгина нон олгин, фақат қайтгунингча еб қўймагин, овқат билан қўшиб ейсан. Бир бурда егин, тушундингми?

— Хўп, Лиза хола.

— Яхши, бор энди.

Мен овқат олиб келиш учун кичкина сумка олгандим ва унга бир бурда нон солдим. Пул солинган чўнтагимни маҳкам ушлаб олганман. Андрисларнинг уйига етганимда тўхтаб оғайнимни чақирдим.

— Андри! — Андريس ҳовли томондан чиқди. Ҳовлидан оёсининг овози эшитилди:

— Агар пулни йўқотиб қўйсанг, кунингни кўрсатиб қўяман!

— Аёллар-е! — деди жаҳли чиқиб Андريس.

Биз чўл томонга чиқадиган ҳовлидан ўтаётганимизда, қора узун бўйли аёлга кўзим тушди. Биз йўлга тушдик. Олдимизда ва орқамизда эса болалар овқат учун кетишадиганди.

Совуқ изгирин қўйлагим ва шимдан ҳам ўтаётган эди, оёқларим эса совуқдан қотиб қолганди. Мен Андрига қарадим. Унинг бурни қизариб кетган, у ҳам совуқдан музлаб қолганди.

— Тезроқ юр, — дедим.

— Тез юрса ёрдам беради, деб ўйлайсанми?

— Ҳа, ёрдам беради.

"Краклинг" арзон чўчка гўшtidан тайёрланган таом.

Биз тез юра бошладик. Югуриб олдинда бораётган болалардан ўтиб кетдик. Очнаҳор бир ҳолатда эдик. Совуқ бизнинг энг ёвуз душманамиз. Қиш ойларида асосан эрталаб ва кеҳурун ҳаво совуқ бўларди. Фақат кундузги қуёш кўтарилганда ҳаво исирди. Ҳаво исиб кетди, энди биз гаплаша бошладик.

— Қанчалик узоқ-а? — деб сўрадим.

— Оз қолди, — деди у.

— Менда бироз нон бор.

— Менда ҳам нон бор, кел, ҳозир ейлик?

— Қайтишда еймиз, краклинг билан қўшиб еймиз, — дедим.

— Яхши фикр, кел, бўлмаса йўлгача югурамиз.

— Жуда яхши.

— Кетдик!

Биз югура бошладик, лекин у мендан ўтиб кетди.

— Мен голиб чиқдим, — деб Андريس манзилга етганда бақирди.

Биз йўл томонга тош отиш ўйинини бошладик. Мен Андридан узоқроққа тош ота бошладим. Яна тош отишни давом эттирмакчи эдим, лекин Андريس унамади. Биз яна югурдик. Андريس яна голиб чиқди. У югуришни давом эттирмакчи эканлигини айтганда, мен рози бўлмадим.

Биз чўчка фермасининг олдида ўтаётганимизда йўлдан катта ит чиқиб, бизга ириллаб ташланди. Оёгимизни қўлга олиб югурдик. Қандайдир куч келиб мен ундан олдинга ўтиб кетдим.

— Мен ютдим, — дедим у етиб келганда.

— Сен қўрққанингни олдинга ўтиб кетдинг, — деди Андريس.

— Мен барибир ютдим.

— Қўрқоқ! — деб бақирди у.

— Узинг қўрққан! — дедим.

Сенга кўрсатиб қўяман ким қўрқоқ эканини, — деди у. Уриша кетдик, шунда иккита оқ танли одам пастга қараб ўтиб кетди. Биз уларнинг орқасидан югура бошладик. Эльзбург станцияси ёнидаги бино алақачон одам билан тўлганди. У ердагиларнинг кўнчилиги қари одамлар, аёллар ва болалар эди.

Оқ танли бир сотувчи краклинг сотишни бошлаганди. У жуда секин қимирлар, харид давомида бир неча бир сигарет тутатиб оларди. Бир соатлардан кейин менинг навбатим келди. Андريس эса орқамда турарди. Пулни чўнтагимдан олиб, сотувчига узатдим.

— Хўш? — деди сотувчи.

— Илтмос, олти сўмлик краклинг беринг, — дедим. Андريس бўлса, мени туртиб қўйди. Сотувчининг юзлари ўзгариб совуқ тус олди. Андريس аста қулоғимга шивирлади.

— Хўш? — қайтарди сотувчи.

— Илтмос, жаноб, — дедим.

— Нима керак сенга?

— Илтмос, олти сўмлик краклинг беринг?

— Нима?

Андрис яна туртди мени.

— Илтмос, жаноб, менга олти сўмлик краклинг беринг.

— Сен биринчи марта келишингми?

— Ҳа, жаноб. Мен унинг оёғига қараб жавоб бердим.

У мендан олдин пулни олиб, кейин тўрва



## ҲИКОЯ

халтамга овқатни солиб берди. Четга чиқиб Андрисни кута бошладим. Йўлга тушганимизда кун жуда исиб кетганди. Мен краклинг билан нонимни еб олдим. Овқатланиб бўлиб, Андريس билан йўл бўйлаб кета бошладик.

— Жинни, оқ танлилар билан қандай муомала қилишни билмайсан, — деб бақирди Андريس.

— Қўрқоқ! — деб бақирдим.

Йўлга жанжаллашиб кетаётганимизда Андريس бирдан бурилиб менга қараб деди:

— Оқ танли болалар. Қарасам ҳақиқатдан ҳам учта оқ танли бола биз томонга келишарди. Иккитаси биз билан тенг, биттаси кичикроқ эди. Уларнинг қўлида мактаб сумкаси бўлиб, станция томонидан келишадиганди.

— Яхшиси тезроқ қочиш керак, — деди Андريس.

— Нима учун? — дедим.

— Уларнинг кўзи тушмасдан туриб тезроқ кетишимиз керак.

— Нимага?

— Учир овозингни, тезроқ юр, — деди Андريس. Биз ёнма-ён тез юра бошладик. Оқ танли болалар бизни кўриб орқамизда кела бошладилар. Биз орқага қарамасдан йўлакдан ўтдик.

— Эшитяпсанми? — сўради Андريس.

— Йўқ, — деб орқамга қарадим. — Улар келишарди.

— Тезроқ юр, агар улар яқинлашиб қолса, югургин, бўлмаса бизни соғ қўйишмайди, — деди Андريس.

— Эй, қоратанлилар! — овоз эшитилди.

— Орқага қарама, — деди Андريس.

— Эй, негрлар! — Биз чопа бошладик, оқ танлилар биздан олдин бошқа йўлдан ўтиб тепаликка етиб олишди. Улар бизни ушлаб олмакчи бўлишди.

— Тезроқ, — деди Андريس.

Тепаликдан туриб бизга тош ота бошладилар.

— Эй, ифлос махлук қораларнинг болалари! Оталаринг ҳам ифлос негрлардир, — деб бақирарди улар. Мен

бу гапларга чиқолмадим. Бирдан тўхтадим-да бақирдим: "Елгончилар!"

Катта оғри менинг олдимга келиб деди:

— Эй, қора танли, нима деб валдираяпсан? Мен унга яна бақирдим: "Сен елгончисан, менинг отам сенинг отангдан минг марта яхшироқ!" — деб унга яқинлашдим. Қолган иккитаси орага сурилиб мени дўшпосламоқчи бўлишди.

— Менинг отам сенинг отангдан яхшироқ, сенлар елгончисанлар, — деб қайтардим. Катта бола юзимга тарсаки билан туширди. Шу вақтда мен ҳам унга ташландим. Мен ҳам уни мушт билан туширдим. Катта бола яна урганди, мен ерга йиқилиб тушдим.

— Елгончи! Елгончи! — деб тишларимни гижирлатиб қайта-қайта мушт туширдим.

Питер АБРИХАМС,  
инглиз ёзувчиси.

билан шундай савалайки, ҳеч қачон унинг эсидан чиқмайди деган бўлади. Жаноб ўзингизга маълумки, у бу ерга янги, яқинда Иоганнесбургдан келган, у ҳали ҳеч нарсани билмайди, ўзининг қандай ҳуқуқга эга эканлигини ҳали билмайди, — деди Сэм тоға шошилиб, — кейин менга қайрилиб: — Жанобдан кечирим сўрагин, — деб қўшиб қуйди.

— Сэм, бу болага сизнинг камарингиз таъсир қилармикан? — деди жаноб.

— У ҳали ёш бола, жаноб, — деб жавоб берди Сэм тоға.

— Сэм, унга ўргатиб қўйинг, агар сизлар шу ерда яшашни хоҳласаларинг унга ўргатинг. Хўпми?

— Хўп бўлади, жаноб, — деб Сэм тоға нариги хонага чиқиб, қўлида йўгон камар билан чиқди. Оқ танли болалар эса эшик олдида туришарди. Мен Лиза холага қарадим, у ҳеч нарса деёлмасдан ерга қараб турарди, лекин у мени йиғламаслигини хоҳларди.

— Сен ҳеч қачон оқ танли одамларга қўлингни кўтармаслигинг керак, сенинг ҳақинг йўқ уларга, тобе бўлишинг керак, тушундингми? — деб Сэм тоға камари билан мени орқамга ура бошлади. У бир-икки урганда йиғламай чидаб турдим. Лекин қайта-қайта тушган мушт оғригига чиқолмасдан бақириб йиғлаб, ундан раҳм қилишни сўрадим. Сўнгра оқ танли одамни овози эшитилди: "етарли, Сэм!", унга раҳмим келди, майли нима қилганини ўзи билмайди, — деди оқ танли киши.

— Жанобдан кечирим сўра! — деди уришдан тўхтаб менга Сэм тоға.

— Мени кечиринг, жаноб, — дедим.

— Ишончим комилки, унинг отаси қора танлиларнинг қандай ҳуқуқга эга эканлигини яхши билганидек, у ҳам билиб олади, — деди оқ танли жаноб.

— Унинг отаси ўлган, — деди Лиза хола.

— Ҳа, хайрли кеч, Сэм.

— Хайрли тун, жаноб, узр, ҳаммаси биздан ўтган бўлса, — деди Сэм тоға.

— Яхши, хўп, хайр, — деб оқ танли киши болаларини эргаштириб чиқиб кетди. Лиза хола эшикни ёпиб, уларнинг оёқ товушлари узоқлашгунча қулоқ солиб турди. Сэм тоға жаҳл билан камарини ерга ташлаб, скамейкага ўтирди. Лиза хола ҳам Сэм тоғанинг ёнидан ўтиб, олдимга келиб оёқларини уқалади. Сэм тоға бошини қуйи солиб узоқ ўтириб, кейин бошини кўтарди ва бизга қараб:

— Болага тушунтириб қўй, — деди.

— Сиз ўзингиз тушунтиринг, эркак киши, оила бошлиғисиз, урганам ўзингиз, ахир, — деб жавоб берди Лиза хола.

— Илтмос, Лиза... Хурсанд бўлсак арзийди, яна уй ўзимизга қолди, оқ танлилар бизга раҳм-шавқат қилди, энди бемалол яшасак бўлаверади, — деди Сэм тоға.

Лиза хола мени кўтариб бошқа хонага олиб чиқди. Қилинган овқат шундайлигича совиб, ейилмай қолиб кетди. Лиза хола мени кроватга ётқизиб, устимга кўрпа ёпди, ёнимда узоқ ўтирди. Бу кеча унинг қўлида ухлаб қолдим. Эрталаб уйғонганимда Сэм тоға ишга кетган эди. Лиза хола калтақдан кўкарган жойларимга дори сурқадди. Сўнгра мен кўчага чиқиб ўйнайдиган бўлдим. Чиқиб кетаётганимда Лиза хола бошимни силаб: — Сен ҳамма оғриққа бардош бердинг, энди бардам бўл, ўйлаб иш қилгин, — деди.

Кечга томон Сэм тоға лимон, ширинликлар ва сумкада кир, эски китоблар олиб келди.

У менга бу нарсаларни узатаётганда қулиб қўйди. Мен ҳам кулган эдим, у жудаям хурсанд бўлиб кетди. Бошимни силаб, бирор нарсалар айтмоқчи бўлди, лекин айтолмасдан ўт ёнига бориб ўтирди. Лиза хола ошхонадан туриб, кечки овқат тайёр бўлганини бизга хабар қилди:

— Тайёр бўлди овқат, чиқинглар!

Инглизчадан Робия НУРМАТОВА таржимаси.

Бош муҳаррир: Ақром БЕРДИМУРОВО

Таҳрир ҳайъати:  
С. БАРНОЕВ, М. ДАВЛЯТОВА,  
Ф. ЖАЛИДОВА, А. КҮЧИМОВ,  
М. ПИРМАТОВ /масъул қотиб/,  
Ш. СУННАТОВ, Д. ТУРАХМЕТОВА.

Таъсис қилувчилар:  
ЎЗБЕКИСТОН ЕИ МАРКАЗИЙ ҚҶМИТАСИ,  
ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ  
ХАЛҚ ТАЪЛИМИ ВАЗИРЛИГИ  
Газета 1929 йил, 1 августдан "Ленин учкуни"  
номи билан чиқа бошлаган.

Газета ҳафтанинг чоршанба кунини чиқеди.

Маълумот учун телефон: 33-49-45

Бизнинг манзилгоҳ:  
700083, ТОНКЕНТ ШАҲРИ,  
МАТБУОТЧИЛАР КҶЧАСИ-32 УЙ  
Напр кўрсаткичи: 64563

Ўзбекистон Республикаси Президенти Маҳкамасининг Ишлар бошқармаси ҳузуридаги "ШАРҚ" нашриёт-матбаа концерни.

Газета IBM компьютерида терилди ва саҳифаланди. Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.

Рўйхатдан ўтиш тарғиби № 000137. Буюртма № Г-647. 29314 нусхада босилди. Ҳажми — 1 босма табоқ. Қфсет усулида босилган. Қоғоз бичими А-3.

Босишга топшириш вақти 19.00. Босишга топширилди 19.00.

1 2 3 4 5 6